



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 08 | pp. 209-215 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КЛАСТЕРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТУТГАН ЎРНИ.



Худойқулов Сирожиддин Узоқ ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси
E-mail: khudaykulov.s.u@gmail.com

Аннотация. Мазкур тадқиқот ишида кластерларнинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида тутган ўрни, уларнинг турлари ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари ва ҳажми. Давлат бЎджетига тўланаётган солиқ тушумларининг ва банд қилинган аҳолининг йиллар давомида ўсиб бориш кўрсаткичлари батафсил ёритиб ўтилган.

Таянч сўзлар: Кластерлар, солиқ маъмурчилиги, товар айланма ҳажми ишчи ходимлар, солиқ тушуми, агросаноат, пахта-галлачилик кластерлари.

Аннотация. В исследовании рассмотрена роль кластеров в экономике Республики Узбекистан, их виды, а также виды и объемы производимой ими продукции. Подробно освещены показатели роста налоговых поступлений в государственный бюджет и занятого населения за эти годы.

Ключевые слова: Кластеры, налоговое администрирование, объем товарооборота, сотрудники, налоговые поступления, агропромышленный комплекс, хлопково-зерновые кластеры.

Abstract: This article examines the role of clusters in the economy of the Republic of Uzbekistan, their types, as well as the types and volumes of products they produce. The indicators of growth of tax revenues to the state budget and the employed population over these years are covered in detail.

Key words: Clusters, tax administration, turnover volume, employees, tax revenue, agro-industry, cotton-grain clusters.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳисобланиб, мамлакат бЎджети ҳамда аҳолининг турмуш даражасида катта ўрин касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислохотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини

ошириш борасида барча соҳаларда кенг қўламли ислоҳотлар олиб бориш билан бошланди. Мазкур жараёнлар билан боғлиқ технополис, технопарк, кластер каби қатор тушунчалар турмуш тарзимизга кириб келди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикасида 2017-йилда қишлоқ хўжалиги соҳасига Кластер тизими кириб келди. Кластер назарияси XIX асрда дастлаб немис иқтисодчиси Иоган Генрих фон Тюнен ва унинг издошлари В.Лаунхард ҳамда А.Веберлар томонидан илгари сурилган. А.Маршалл ўзининг “Иқтисодиёт фани принциплари” ишида тадқиқот объекти тарзида шаҳар агломерацияси ва индустриал ҳудудларни танлаб, ўтказган тадқиқотларида самарадорлик ва ишлаб чиқариш географик локализацияси ўзаро боғлиқлигини баён этган. У корхона ва ташкилотлар самарадорлиги уларнинг иқтисодий зоналар яқинида географик жойлашувига боғлиқлигини исботлаган. Б.Лундвал ва Б.Йонсонлар эса кластер назарияси билан боғлиқ “ривожланиш блоклари” концепциясини таклиф этганлар ҳамда соҳа ёки ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмалари, бутун мамлакат аҳолисини узлуксиз ўқитиш жараёни миллий иқтисодий юксалиш ва рақобатбардошлик манбаи эканлигини таъкидлаганлар. Кластер назариясининг замонавий талқини XX асрнинг 80-йилларида тўлақонли шакланди. М. Потер йирик рақобатбардош компаниялар маълум ҳудудларда концентрациялашувга мойиллигини эмпирик жиҳатдан исботлаган.

Тадқиқот методологияси

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг кластер тизимини иқтисодиётда тутган ўрнига қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, таҳлил даври 4 йиллик (2020-2023 йиллар) Республика кўрсаткичларини қамраб олган.

Таҳлил ва натижалар

Кластер тизими - бу хомашё ишлаб чиқаришдан тортиб, қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча жараёнларни қамраб олган тўлиқ тизимдир.

Рақобатбардош компания ўз атрофидаги хўжалик субъектларига қониқарли таъсир кўрсатиши, ўз навбатида ўзаро боғлиқ барча ҳамкорларнинг рақобатбардошлигини оширувчи муқобил муҳит яратишини баён этган. Унинг фикрича “Кластер бу ҳудудий (географик) жиҳатдан бир-бирига қўшни, ўзаро боғланган, маълум соҳада фаолият кўрсатувчи, умумий мақсад йўлида бир-бирини тўлдирувчи компания ва у билан боғлиқ ташкилотлар гуруҳидир”.

Мамлакатимизда кластерлар билан боғлиқ илмий изланишлар бошланиши 2000 йилларга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2978-сон қарорида юклатилган вазифаларга жавобан Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, аҳоли турли қатламларининг бандлигини ва реал даромадларини изчил оширувчи, миллий

бойлигимиз пахтани экишдан бошлаб чуқур қайта ишлашгача бўлган тизимни ўзида қамраб олган, тўқимачилик ва енгил саноатни янада ривожлантирувчи, турли фан, таълим соҳалари олимлари, ишлаб чиқариш мутахассислари, иқтисодчилар ҳаётий тажриба, малака ва билимларини мужассамлаштирувчи “Bukhara Cotton Textile” Ўзбекистон-Британия ҚК, “Paraglide LTD” ҚК ва “Petromaruz” (Россия) компаниясининг 123,1 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги хорижий сармояларни киритиш билан дастлабки инновацион “Пахта - тўқимачилик кластери” мажмуаси фаолияти йўлга қўйилди. “ВСТ Cluster” МЧЖ Ўзбекистонда тажриба кластерига айланди, унинг мақсади кластерлаш орқали яхши натижаларга эришиш мумкинлигини мисол орқали исботлаш эди.

“ВСТ Cluster” МЧЖ кластери Бухоро вилоятнинг инновацион, рақобатбардош ва самарали иқтисодиётининг шакллантирилиши замонавий иқтисодий воситачиси, у яратилган тайёр маҳсулотларнинг истеъмолчигача етиб боришини, ишлаб чиқариш кучларининг юксалишини, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини, соғлом ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда самарадорликни таъминловчи тузилмадир. Ушбу ютуқларга эришишнинг бош мезони кластер бошқаруви ва фаолиятида жаҳон тажрибасига таяниб, мавжуд ҳудудий ҳамда ташқи илмий салоҳиятдан фойдаланишидадир.


Ҳозирги кунда юртимизда жами **92 мингта** фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб улар ўз фаолиятини **256 та** кластерлар билан олиб бориб, ушбу кластерларнинг **116 таси** ғаллачилик, **94 таси** пахтачилик ва **46 таси** пахта-ғалла кластерларини ташкил этади.



1-расм. Кластерларнинг фаолият тури улуши

Изоҳ: Солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида тузилди.


Мазкур кластерларнинг **42 таси** Фағона вилоятида, **36 таси** Қашқадарё вилоятида, **22 таси** Қорақалпоғистон Республикасида, **21 таси** Сурхондарё вилоятида ва **19 таси** Самарқанд вилоятида жойлашган.



2-расм. Кластерларнинг ҳудудий жойлашуви

Изоҳ: Солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида тузилди.

Кластерларнинг йиллар давомида товар айланмаси ҳажми ошиши таҳлил қилиб, 2020 йилда кластерлар товар айланмаси ҳажми **17,6 трлн. сўмни** ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2021 йилда **31,3 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **13,6 трлн. сўмга** ёки **177,0 фоизга** ортган. Кластерлар 2022 йилда **50,0 трлн. сўм** миқдорда товар айланма ошириб, 2021 йилга нисбатан товар айланма ҳажми **18,7 трлн. сўмга** ёки **159,8 фоизга** ортган. Мазкур кўрсаткич 2023 йилда **46,7 трлн. сўмни** ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан товар айланма ҳажми **3,2 трлн. сўмга** ёки **6,5 фоизга** камайиши қайд этилган.




3-расм. Кластерлар товар айланмасининг йиллар давомида ўсиш динамикаси

Изоҳ: Солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида тузилди.

Товар айланма ҳажми катта бўлган кластерлар Бухоро вилоятида жойлашган Бухоро агроклартер МЧЖ, Фарғона вилоятида жойлашган POSCO International МЧЖ ҳамда Қашқадарё вилоятида жойлашган Индорама агро МЧЖ корхоналарига тўғри келади.

Кластерлар томонидан 2020 йилда давлат бюджетига **616,6 млрд. сўм** солиқ тўланган.

Ушбу кўрсаткич 2021 йилда **1,7 трлн. сўмни** ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **1,1 трлн. сўмга** ёки **288,4 фоизга** ортган. Кластерлар 2022 йилда **3,2 трлн. сўм** миқдорда солиқ тўловларини амалга ошириб, 2021 йилга нисбатан солиқ тушуми ҳажми **1,4 трлн. сўмга** ёки **180,5 фоизга** ортган. Мазкур кўрсаткич 2023 йилда **1,5 трлн. сўмни** ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан солиқ тушуми **1,6 трлн. сўмга** ёки **51,3 фоизга** камайиши қайд этилган.



4-расм. Кластерлар томонидан солиқ тўловларининг йиллар давомида ўсиш динамикаси

Изоҳ: Солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида тузилди.


Солиқ тўловлари бўйича ҳам Бухоро вилоятида жойлашган Бухоро агроклартер МЧЖ **436,0 млрд. сўм**, Қашқадарё вилоятида жойлашган Индорама агро МЧЖ **279,6 млрд. сўм** ҳамда Фарғона вилоятида жойлашган POSCO International МЧЖ **228,9 млрд сўм** солиқ тўловларини амалга оширган.

Аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида банд бўлиб, ушбу кўрсаткич қарийб **1 597 минг** нафарни ташкил этади. Жумладан, **862 минг** нафар аҳоли ушбу соҳасида ўз ўзини банд қилганлар, **404 минг** нафар ишчи ходимлар юридик корхоналарда банд бўлиб, қолган **330 минг** нафар аҳоли деҳқон хўжаликларида фаолият кўрсатади.

Кластерларда 2019 йилда **51,3 минг** нафар аҳоли банд бўлган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилда **60,0 минг** нафарни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан ишчи ходимлар сони **17,6 минг** нафарга ёки **134,4 фоизга** ортган. Ишчи ходимлар сони 2021 йилда **80,3 минг** нафарни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан ишчи ходимлар сони **11,3 минг** нафарга ёки **116,5 фоизга** ортган. Кластерларда ишчи ходимлар сони 2022-2023 йилларда камайиш ҳолати қайд этилган. Жумладан, 2022 йилда ишчи

ходимлар сони **77,0 минг** нафарни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **3,4 мингтага** ёки **4,2 фоизга** камайган. Кластерларда 2023 йилда **71,5 минг** нафар аҳоли банд бўлиб, 2022 йилга нисбатан **5,4 мингтага** ёки **7,0 фоизга** камайган.

Ишчи ходимларнинг охириги йилларда камайишига соҳага замонавий технологиялар ва инновацион техникаларнинг кириб келиши асосий сабаб бўлмоқда.



5-расм. Кластерларда ишчи ходимлар сонининг йиллар давомида ўсиш динамикаси

Изоҳ: Солиқ қўмитасининг маълумотлари асосида тузилди.

Ишчи ходимлар банд қилиш бўйича Қашқадарё вилоятида жойлашган Индорама агро МЧЖ **3 185 нафар**, Фарғона вилоятида жойлашган POSCO International МЧЖ **2 988 нафар** ҳамда Навоий вилоятида жойлашган Бахт текстил МЧЖ корхонасида **2 373 нафар** ишчи ходимлар банд қилинган.

Мазкур соҳанинг асосий ижтимоий вазифаси бу – мамлакат аҳолисининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, саноатни эса хомашёга бўлган талаб эҳтиёжларини қондиришдан иборат ҳисобланиб, ушбу фаолият мамлакат хўжалигининг энг қадимги, аҳолисининг эса анъанавий машғулоти ҳисобланади. Соҳа мавсумий характерга эга, унинг ривожланиши об-ҳаво, иқлим шароитларига чамбарчас боғлиқдир. Соҳа ривожланиши енгил саноат ва озиқ овқат саноатини ривожланишига катта таъсир қилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, кластерлар инновацион, рақобатбардош ва самарали иқтисодийнинг шакллантирилиши замонавий иқтисодий воситачиси, яратилган тайёр маҳсулотларнинг истеъмолчигача етиб боришини, ишлаб чиқариш кучларининг юксалишини, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишини, соғлом ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда самарадорликни таъминловчидир. Янгиланишлар “инсон капитали”, яъни соҳа ва соҳалараро фаолиятни ўзида мужассамлаштирган кластерлардаги ташаббускор мутахассисларнинг тафаккури билан боғлиқ. Мазкур кластерларда соҳаларнинг таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашуви

билан бир қаторда, соҳа кичик корхоналарининг манфаатли кооперацияси, соҳалараро ички ва ташқи интеграция элементлари ҳам юксалишига замин яратади.

Кластерлар томонидан этиштирилган маҳсулотларнинг эркин бозорда биржа нархида сотилиши ва давлат томонидан мазкур маҳсулотларни нархлашда аралашувини камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. М.И.Назаров. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.
2. Ўзбекистон Республикаси солиқ Кодекси (янги таҳрир).
3. Б.И.Исроилов. Ўзбекистонда солиқ тизими асослари. 2016 йил.
4. Lex.uz Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. www.Agro.uz
6. www.mf.uz

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

